

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ПРЕЗИДЕНТИНИНГ**  
**ФАРМОНИ**  
**17.11.2016 й.**  
**№ ПФ-4857**

Хужжатнинг рус тилидаги  
матнига қаранг

**"ЎЗАГРОТЕХСАНОАТХОЛДИНГ"**  
**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқ ягона тизимини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги техникасини сотиш ва сервис хизмати кўрсатиш ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига механизациялаштирилган хизматлар кўрсатиш, шунингдек қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари, сервис корхоналари ва машина-трактор паркларини янада модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, тармоққа тўғридан-тўғри инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, корпоратив бошқаришнинг замонавий усулларини кенг жорий қилиш ва соҳа корхоналарини стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Ўзагросаноатмашхолдинг" ХК, "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" АЛК, "Ўзагромашсервис" уюшмасининг қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш, сотиш ва сервис хизмати кўрсатиш, шунингдек қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига механизациялаштирилган хизматлар кўрсатиш бўйича "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин, унинг таркибига қуйидагилар киради:

"Ўзагросаноатмашхолдинг" ХКни қайта ташкил этиш йўли билан тузилаётган, қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқаришни ташкил этишга ихтисослашаётган "Ўзагротехмаш" акциядорлик жамияти;

"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" АЛКни қайта ташкил этиш йўли билан тузилаётган, қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга беришга ихтисослашаётган "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти;

"Ўзагромашсервис" уюшмасини қайта ташкил этиш йўли билан тузилаётган, қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизмати кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига механизациялаштирилган хизматлар кўрсатишга ихтисослашаётган "Ўзагросервис" акциядорлик жамияти.

2. Қуйидагилар "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

ички ва ташқи бозорларда қишлоқ хўжалиги техникаси ва унинг эҳтиёт қисмларига бўлган талаб-эҳтиёжнинг тизимли маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, уларни ишлаб чиқаришга, энг аввало "Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ таркибига кирувчи корхоналарда ишлаб чиқаришга буюртмаларни жойлаштириш;

замонавий юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаси, шу жумладан боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, полизчилик ва чорвачилик учун махсус техника ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш;

ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳисобига замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш бўйича янги корхоналар барпо этиш ва амалдаги корхоналарни модернизация қилиш, замонавий илғор техника турлари ва технологияларни жорий қилиш, бу жараёнга инвестициялар, энг аввало хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;

тармоқ корхоналарига қишлоқ хўжалиги учун турли хил техника ва механизация воситалари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишда, шу жумладан лизинг асосида ва экспорт қилишда ёрдам кўрсатиш;

қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш ва сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш, тармоқ корхоналари ва ташкилотларини зарур моддий-техника ресурслари ҳамда эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш соҳасида ягона техник ва сервис сиёсатини ўтказиш;

ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида ва замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда машина-трактор паркларини ривожлантириш истиқболларини белгилаш, қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш ва сервис хизмати кўрсатишни ташкил қилиш, республика қишлоқ хўжалигида механизациялаштирилган хизматлар ҳамда бошқа турдаги сервис хизмати кўрсатишнинг янги усулларини жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш, сотиш, сервис хизмати кўрсатиш ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига механизациялаштирилган хизматлар кўрсатиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш.

### 3. Белгилаб қўйилсинки:

янги ташкил этилаётган "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамиятининг бошланғич устав капитали "Ўзагротехмаш" АЖ, "Ўзагролизинг" АЖ ва "Ўзагросервис" АЖнинг устав капиталидаги акцияларнинг давлат пакетларини номинал қиймати бўйича ўтказиш ҳисобига шакллантирилади;

"Ўзагросервис" АЖнинг бошланғич устав капитали "Ўзагромашсервис" уюшмаси таркибига кирувчи хўжалик жамиятлари устав капиталидаги акциялар (улушлар)нинг давлат пакетларини номинал қиймат бўйича ўтказиш ҳисобига, шунингдек "Ўзагромашсервис" уюшмаси қатнашчилари томонидан баланс қиймати бўйича давлат улушини шакллантиришга бепул топширилаётган мазкур уюшманинг мол-мулки ҳисобига шакллантирилади.

4. "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамиятини ва унинг таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларини ташкил этиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкилий тадбирлар комплексини амалга ошириш бўйича иловага\* мувофиқ таркибда Ишчи комиссияси тузилсин.

Ишчи комиссияси (У. Розуқулов) "Ўзагросаноатмашхолдинг" ХК, "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" АЛК, "Ўзагромашсервис" уюшмаси, туманлардаги "Агротехсервис МТП" МЧЖ ва "Автосаноат Агротехсервис" МЧЖ бошқарувининг амалдаги тузилмаларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш, сотиш ва сервис хизмати кўрсатиш ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига механизациялаштирилган хизматлар кўрсатиш тизими корхоналарининг жорий ҳолатини чуқур ва танқидий таҳлил қилиш асосида икки ҳафта муддатда "Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ фаолиятини ташкил этиш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига такдим этсин, унда:

корпоратив бошқарувнинг замонавий принципларига ва акциядорлик жамиятини бошқаришнинг тасдиқланган намунавий тузилмасига мувофиқ "Ўзагротехсаноатхолдинг"

АЖ ва унинг таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича;

қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш, сотиш ва сервис хизмати кўрсатиш ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига механизациялаштирилган хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек тўлов интизомини мустаҳкамлашни таъминловчи механизмлар самарадорлигини ошириш бўйича;

"Ўзагротехмаш" АЖ, "Ўзагролизинг" АЖ ва "Ўзагросервис" АЖ таркибига кирувчи ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари бўйича тадбирлар назарда тутилсин.

5. "Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розукулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти вазифасини бажарувчи**

**Ш. Мирзиёев**

*\*) Илова берилмайди.*

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси",  
2016 йил, 11-сон, 368-модда

